
“Чекхитой”да асаларичилик кооперацияси ташкил этилди

Бағдод туманининг “Чекхитой” маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи Мұхаммадали ака Фозилов болаликдан бери сүяк емирилишидан азият чекади – иккинчи гурӯҳ ногиронлиги бор. Аммо бу ҳолат аканинг ҳаётга бўлган муҳаббатини сўндиrmаган, аксинча ҳалол меҳнат билангина фаровонликка эришиш мумкинлигини хонадон соҳиби яхши билади.

Яқинда маҳалладаги ҳоким ёрдамчиси Мұхаммадали аканинг томорқасига З қути асалари келтириб берди. Айтдики, буларда 6 та асалари оиласи бор, астойдил парваришланса, кўпайтирилса, битта рўзфорни бемалол боқади экан.

- Асаларичилик бўйича ҳеч қандай маълумотим йўқ эди, лекин интернет орқали керакли тавсияларни олиб, озми-кўпми натижаларга эришяпман, - дейди Мұхаммадали ака. – Қачон озуқасини бериш керак, кутининг ичидаги ҳарорат қандай бўлиши керак – ҳаммасини интернетда ёзиб-ўргатиб қўйибди. Шу ишга меҳр қўйса, интилса, ҳаракат қилса, яхшигина даромад олиш мумкин экан.

“Чекхитой”да ишсизликни камайтириш ва норасмий бандлик улушини қисқартириш мақсадида асаларичилик кооперацияси ташкил этилди. Маҳалладаги ҳоким ёрдамчиси Нурматжон Фозиевнинг айтишича, мазкур кооперация орқали 20 та оилада иш билан банд бўлмаган аъзоларнинг бандлиги таъминланди ва хонадонларда касаначилик асосида етиштирилган асал маҳсулотини “Бағдод замин асали” МЧЖ келишилган нархда харид қилиб олади.

- 20 та хонадонга 60 та қутида, жами 180 та асалари оиласи тарқатилган, - дейди “Бағдод замин асали” МЧЖ раҳбари, “Шуҳрат” медали соҳиби Абдувоҳид Убайдуллаев. – Бошланишига озуқани ўзимиз етказиб беряпмиз, асалари парваришини ўргатяпмиз. Кейинчалик маҳсулотни ўзимиз сотиб оламиз. Битта асалари оиласидан 700-800 минг сўм фойда олиш мумкин ва бу даромад – фуқароларники!

Туман ҳокими Юсуфжон Хусаиновнинг таклифи билан, кооперация таркибидаги 20 та оиланинг ҳар бирига 20 килограммдан асал ва яна 20 килограммдан асалари озуқаси – шакар бепул тарқатилди.

Бағдод тумани ҳокимлиги Ахборот хизмати.

2023-09-23 17:14:29